

---

## Мажбуриятини бажармаган шахслар жавобгарликка тортилди

Ўзбекистон туманлараро судининг 19.03.2021 йилги қарорига асосан қарздор М.А.дан ундирувчи М.М. фойдасига 2 нафар фарзандларини таъминоти учун алимент ундириш белгиланган бўлиб, қарздор М.А. огоҳлантирилган бўлсада 14.500.000 сўм алимент қарзини тўлашдан бўйин товлаб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47.4-моддасига кўрсатилган маъмурий жавобгарликни содир этганлиги сабабли, ЖИБ Фурқат тумани судининг 10.05.2023 йилги қарори билан 15 сутка мамурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шунингдек, ушбу суднинг қарорларига асосан қарздор С.Н. ундирувчи С.Х. фойдасига 2 нафар фарзандлари учун 21.000.000 сўм, қарздор А.Л. ундирувчи А.М. фойдасига 1 нафар фарзанди учун 5.617.000 сўм алимент қарзини тўлашдан бўйин товлаб, маъмурий жавобгарликни содир этганликлари сабабли, ЖИБ Фурқат тумани судининг 10.05.2023 йилги қарори билан ҳар бир қарздорга 15 суткадан маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

### **МИБ Фурқат тумани бўлими**

2023-05-10 18:32:28